



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 4 май, № 87 (5254)

Чоршанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Инсон учун ўзи туғилиб ўсган маскан муқаддас Ватан саналади. Шу боис у киндик қони томган тупроқни кўз қорачигидек асраб-авайлаб, кўркам ва обод қилиб яшашга интилади. Ватанга муҳаббат туйғуси кишини она-юртга садоқатли, фидойи бўлишга қорлайди. Бугун қорақалпоқ диёрига ташриф буюрсангиз, ҳар бир жабҳада ана шу фидойиликнинг намунасини кўрасиз.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифларидан бирида шундай деган эдилар: “Агар биз она-заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, сахаро қуёши, гармисел ва изгирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиб қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз деб биламан”.

БУНЁДКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

қорақалпоғистонликларнинг юрт равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларида яққол намоён бўлмоқда

Бу сўзлар қорақалпоқ халқининг ўз диёрига садоқатини, бекиёс меҳр-оқибатини айнан ифодалаганилиги боис ҳар бир ҳамюртимизнинг қалбидан чуқур жой олган.

Яқинда Кегейли туманидаги Халқбод қишлоғида фойдаланишга топширилган ҳовли тўйларидан бирида иштирок этдик. Ҳам замонавий, ҳам миллий қадриятлар, урф-одатларимизга ҳамоҳанг тарзда қурилган уйлари кўриб, ростки, бошимиз осмонга етди. Айниқса, у ерга кўчиб келган ёш оилалар, тўйда иштирок этаётган онахону отахонларнинг қувончини айтмайсизми? Ҳар бири-

нинг кўзиди, юзиди чексиз миннатдорлик туйғуси балқиб турибди.

— Бундай қунларни тушимизда ҳам кўрмаган эдик. Масалан, менинг ўзим оддий бир деҳқон эдим. Бирим икки бўлмай, косам оқармай юраддим. Шўрки, истиклол туфайли фермер бўлдим, турмушим ўзгарди, — дейди Кегейли туманидаги “Кўкча қалъа” фермер хўжалиғи раҳбари Қурбонбой Мадрейимов. — 2010 йилда эса оиламиз учун унутилмас воқеа рўй берди. Чунки шу йили мен Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда қурилган замонавий уйлاردан бири-

га эга бўлдим. Қорақалпоғистон Республикасида бунёд этилган дастлабки 100 та уйнинг 20 таси бизнинг Кегейли туманида қад ростлади. Шулардан бири, тўрт хонали, барча қулайликларга эга бўлган замонавий уй бизга насиб этди. Бу ерда, шунингдек, бир қанча ижтимоий объектлар мажмуаси ишга туширилгани ҳам айни мўддао бўлди. Хуллас, яхши яшашимиз учун барча шароитимиз етарли. Энди фақат фидойилик кўрсатиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўйишимиз керак.

(Давоми 3-бетда).

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида бугун юртимиз демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма

йили мобайнида барча соҳаларда фахрланса арзигулик ютуқ ва муваффақиятларни кўлга киритдик. Ўзбекистон ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашни ўзига мақсад қилиб қўйган.

Концепция

Булар доирасида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва қарорлар қабул қилишдаги ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун эса сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Юртимизда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти босқичма-босқич кучайтирилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустақамланиб борибди. 2004 йилдан амал қила бошлаган “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун бу борада ниҳоятда муҳим қадамлардан бири бўлди. 2007 йил-

да қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун эса сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Албатта, ҳозирги тезкор ҳаёт динамикаси, юртимизда олиб борилаётган туб ва изчил ислохотлар, тараққиётнинг яна бир янги даврига қадам ташлаш Конституциямизга баъзи ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётганлиги.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз банк-молия тизими жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида барқарор ва ишончли ривожланаётганлигини амалда яна бир қарра исботлади. Маълумки, инқироз энг юқори поғонага кўтарилган йилларда дунёнинг кўплаб давлатлари иқтисодиёти, айниқса, банк-молия соҳасида катта йўқотишлар оқибатида молиявий номуаносиликлар юзага келди. Шундай мураккаб бир шароитда республикаимиз тижорат банклари қарорлиқ қилишда ҳақдор бўлиб, уларнинг фаолияти барча йўналишлар бўйича барқарорлиги халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилди. Бундай юксак баҳо кейинги йилларда ҳам сақлаб келинаётгани иқтисодий ислохотларнинг “Ўзбек модели” нақадар тўғри танланганлигини ёрқин намоён қилди.

КРЕДИТЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

қонун билан янада такомиллаштирилади

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳамда Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар “Кредит алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама-масига бағишланди.

Анжуман

Унда банклар, молия-кредит муассасалари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар иштирок этди.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталар экан, миқозларга банк ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, соҳада рақобатни кучайтириш, юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган бозор инфратузилма-

сини барпо этишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш жараёнида “Кредит алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши зарурлигига эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кредит бозорининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, кредитлаш жараёни-

нинг инфратузилмасини такомиллаштиришни талаб қилаётган эди. Жаҳон тажрибасидан аёнки, кредитлаш жараёни инфратузилмаси, яъни сўғурта, нотариат, баҳолаш, кредит ахбороти алмашинуви тизимлари кредит муассасалари фаолиятини тўлдириб, уларнинг таваккалчиликларини камайтириш, айниқса, кредитлаш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, республикаимизда кредит ахбороти алмашинуви тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида жўюдга келган. Марказий банк ҳузуридаги Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси қошидаги Банкларо кредит бюроси айнан шу вазифа билан шуғулланади.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА, ЮРТ АРДОФИДА



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи») олган сурат.

— Бир кам тўқсон ёшдаман, — дейди Бухоро вилояти, Когон туманининг Янги ҳаёт қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Тўракул ота

Жўраев. — Тўрт фарзандим, 13 набирам, 26 эвара, бир чеварам бор. Йўқ, бир оз адашдим, чамаси. Мендан мунтазам хабар олиб турадиган мактаб, коллеж ўқувчиларини ҳам ўз фарзан-

дим, набираларим ўрнида кўраман. Ана ўзлари ҳам келиб қолишди.

Чиннидек тоза ҳовлидаги ораста супадан дарвоза томонга қараймиз. Дарҳақиқат, ҳовлига бир гуруҳ бола-

жонлар кириб келишди. Қўллариди гулу совға. Улар боболарини байрам билан кутлар эканлар, отахон “Ўзингга шукр”, дея пичирлайди.

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА — ТАШАББУСЛАР МАСКАНИ

Наманган шаҳрида “Маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва “Маҳалла” жайрия жамғармаси вазират бўлими бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш

ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бозорни сиқати моллар билан тўлдирилиши, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбар-

Кучли давлатдан

— кучли фуқаролик жамияти сари

сервис шохобчаларининг ҳудудлар инфратузилмасини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишдаги ўрни нечоғли экани ҳеч кимга сир эмас.

Семинарда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни, оилавий бизнес, хусусан, қасаначилик-

нинг бандлик дастури ижросидаги аҳамияти ҳамда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка йўналтиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ма-

салалари атрофлича муҳокама этилди. Айни чоғда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

— Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган, — дейди Фуқаролик жамиятини

ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот-таҳлил маркази катта илмий ходими Адхамжон Маматов. — Зеро, ҳудудда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда ҳуқуқий мезонларни яхши билган, ишбилармон ва ташаббускор фуқароларнинг гоёларини кўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам кўрсата оладиган оқсоқолнинг ўрни катта.

Шунингдек, тадбирда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, солиқ ва банк муассасалари вакилларининг маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалари тингланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу жараён Асосий Қонунимизнинг айрим жиҳатларини реал турмуш тарзига мослаштириш ва юзага келиши қутилаётган янгича муносабатларни тартибга солишга тайёрлаш ҳамда аниқлаштиришдан иборат эди.

Шу босисдан Концепцияда белгилаб берилган қонунчилик ташаббуслари асосида тайёрланган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)“ги Қонун яқинда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар натижа-сида Конституцияда янада мукамаллаштири-либ, унинг барқарорлиги ва ҳаётлилиги таъ-минланди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлани-шининг долзарб масалалари юзасидан ҳисо-ботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бо-риш тўғрисидаги норма энг демократик принциплардан келиб чиққанини эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига киритилган ўзгаришларга асосан, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашининг демократик прин-ципларини ифодалайдиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Яъни Ўзбекистон Респу-бликаси Бош вазирни номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчи-лик палатасига сайловда энг кўп депутат-лик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўрин-ларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши бе-лгилаб қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлсисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясига киритилган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, сиёсий партияларнинг ҳамият ҳаётидаги ролини яна-да мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократ-лаштириш ва либераллаштириш жараён-ларининг жадал ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан ҳам ана шу принципларни ҳаётга жорий этиш ишла-рига тайёр бўлишлари, сиёсий етуқликка интилишлари талаб этилади.

Бу сиёсий партиялардан Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан ўзининг жорий ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастур ҳамда ре-жаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда фао-лият юритишларини тақозо этади.

Мазкур йўналишда салмоқли натижалар-га эришишни қўзлаган сиёсий партиялар, жумладан, қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Энг аввало, улар сафларини сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, интеллектуал са-лоҳияти юқори, халқ орасида инсоний фа-зилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан обрў-эътибор қозонган, ташаббускор, кўпчи-ликни ўзининг ортидан эргаштира билади-ган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган инсонлар ҳисобига кенгайтириб боришлари лозим. Зеро, Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партия-га берилган экан, бунинг учун, биринчи нав-батда, сайловда ютиб чиқиш учун ҳаракат қилиш сиёсий партиялар олдига қўйилган

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот во-ситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Ислохот-ларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви орган-лари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаш-

асосий мақсаддир. Аёнки, бу масала партия-нинг кадрлар сиёсати билан чамбарчас бо-лиқ. Шундай экан, кучли кадрлар захираси-ни шакллантириш сиёсий партиялар олдида турган асосий ва муҳим аҳамиятга молик вазифадир. Бундай пайтда муайян ютуқлар-ни қўлга киритишда ҳар томонлама етук ва салоҳиятли кадрларга таяниш муваффақи-ятлар омили ҳисобланади. Сиёсий партия-лар куйи бўғинлардан тортиб, юқори тизим-ларгача бўлган даражада ўз сафларини би-лимли, зукко, ҳаётий тажрибага эга, фидойи одамлар билан тўлдириб боришлари лозим бўлади.

Қолаверса, сиёсий курашларда голиб

чиққан партия ҳукумат раҳбарлигига номзод кўрсатиш ваколатини қўлга киритади. Демак, бу иш ҳам маълум бир тайёргарликни талаб этади. Чунки ҳукуматга раҳбарлик қилиш ниҳоятда жиддий ва ўта нозик масала. Бу лавозимга муносиб кадрни топиш ва тан-лашнинг ўзи мураккаб жараён. Шунинг учун ижро этувчи ҳокимиятни ҳар жиҳатдан амал-га оширишга қодир, иқтисодиётнинг, ижти-моий ва маънавий соҳанинг фаолияти самарадорлигига шахсан жавобгарликни зиммасига олишга тайёр бўлган, қисқача айтганда, халқнинг кувончу ташвишлари билан яшай оладиган инсонгина ҳукуматга раҳбарлик қилишга лойиқ. Шундай номзод-ни танлаш ва тавсия этиш учун сиёсий партиялар зарур чора-тадбирларни кўриб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳар бир сиёсий партия бўлиб ўтадиган сайловларда бошқа бирон бир сиёсий партия билан тенг миқдорда депу-татлик ўрнига эга бўлиб қолиши эҳтимоли-ни ҳам эътибордан соқит қилмаслиги зарур. Яъни ҳукумат раҳбарлигига ҳар икки голиб партия битта номзод кўрсатиши Консти-туциямизда қатъий белгилаб қўйилган экан, бунда, албатта, ўша номзоднинг қайси партиядан бўлиши ҳақида баҳс ва тортиш-ув-лар юзага келиши табиий ҳол. Ва шуниси аниқки, қайси партиянинг номзоди салоҳи-яти жиҳатидан кучли бўлса, ўша номзод ҳақида бир тўхтамга келинади. Сиёсий партия ана шундай вазиятларга ҳам тайёр туриши лозим бўлади.

Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва ма-ҳаллий Кенгашларга сайланадиган депутат-ларнинг сиёсий соҳадаги фаоллигини оши-риш ҳам сиёсий партиялар олдидаги навбат-даги муҳим вазифадир. Уларнинг нафакат қонун ижодқорлиги йўналишида, балки амал-даги қонунларнинг жойларда қай даражада ижро этилаётгани, сайловчиларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш борасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳал-лий ҳокимликлар қандай иш олиб бораётга-ни, ҳудудларда яшовчи аҳолининг кайфияти ва руҳияти қандай эканлигидан доимий равишда хабардор бўлиб бориш, лозим топилганида, ўз ваколатлари доирасида керакли чора-тадбирлар кўриш масъулияти-ни қучайтириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимиз-ни янада демократлаштириш ва либерал-лаштириш йўлидаги сайй-ҳаракатларимиз сурбатларига, фуқароларимизнинг ижтимо-ий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуқлик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдир ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколат-ларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир.

Улуғбек МУҲАМАДИЕВ,
«Миллий тиланиш» демократик партиясининг Олий Махлсис Қонунчилик палатасидаги фракцисси раҳбари.

КРЕДИТЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ қонун билан янада такомиллаштирилади

(Давоми. Боши 1-бетда).


Ҳозирги кунда, масалан, Банклараро кредит бюроси он-лайн тизимида узлуқсиз фаолият кўрсатаётган бўлиб, унинг ахборот базасида 600 мингдан ортиқ юридик, 400 мингдан зиёд жисмоний шахсларнинг кредит тарихи тўпланган. Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъект-ларнинг статистик характер-га эга бўлган маълумотлари ҳам жамланганки, булар банк томонидан кредитлар ажратиш, кафолатлар бериш ва бошқа хизматлар кўрсати-ш жараёнида тегишли қарорлар қабул қилишда қўл келаётир.

— Кредит ахбороти алма-шинуви янги соҳа бўлганили-ги сабабли, қонун лойиҳа-

сини ишлаб чиқишда бу бо-радаги жаҳон тажрибаси ўрганилиб, халқаро эксперт-ларнинг тегишли фикрлари олинди, — дейди Марказий банк раисининг ўринбосари Шўхрат Ҳайдаров. — Бундан қўзланган асосий мақсад, мавжуд тизимни такомил-лаштириб, сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишдан ибо-рат. Масалан, қонун лойи-ҳаси тизимда банклардан ташқари, бошқа кредит таш-килотлари, хусусан, лизинг компаниялари, кредит уюш-малари ва микрокредит ташкилотлари иштирокини таъминлашни кўзда тутади. Бу эса кредит хатарларини камайитириш, кредит беру-вчи ва олувчига бирдек қулайлик яратиш орқали ми-жозларни тартибли ишлаш-

га, қарздорлик мажбурият-ларини ўз вақтида бажариш имконини яратишга йўнал-тирилгани билан янада аҳамиятлидир. Семинарда сўзга чиққан хорижий экспертлар кредит ахбороти алмашинуви тизи-мининг халқаро тажрибаси ҳақида тўхталиб, ушбу қонун лойиҳаси жаҳон стандартла-рига тўла мос келишини қайд этдилар.

— Қонун лойиҳасида кре-дит ахбороти тизимининг ҳуқуқий асослари, жумла-



МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор улкан марраларни забт этиш имконини бермоқда. Хусусан, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан маҳаллий бозорни тўлдираётган корхоналар сони тобора қўлайиб бораётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Пойтахтимиздаги “В.Н.Т” қўшма корхона-си ана шундай тадбиркорлик субъектлари-дан бири. Бу ерда болалар учун гигиеник маҳсулотлар ва ҳўл салфеткалар ишлаб чи-қариш йўлга қўйилган.

Ўтган йили корхона-да техник ва техноло-гик қайта жиҳозлаш жараёнларининг да-вом эттирилиши ишлаб чиқариш ҳажмини ўч баробарга қўпайтиришга замин яратди. Яқин кўнлар ичида қўшимча ускуналарнинг ишга солиниши эса бу борадаги кўрсат-кичларни янада оширишга туртки бўлиши, шубҳасиз.

Айни пайтда “В.Н.Т” МЧЖ бир йилда

қарийб 36 миллионта гигиеник маҳсулотлар ва 50 миллион дона ҳўл салфетка етказиб бериш қувватига эга. Республикаимизда бу каби маҳсулотларга нисбатан талаб юқори-лиги боис даромад қўғи ҳам кўтарилиб бормоқда. Демак, асо-сий қисмини ёшлар ташкил қилувчи юзга яқин ишчи-ҳодимдан иборат корхона жамоасининг келгусида ташқи бозорларга чиқисни режа-лаштираётганидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Ҳ. ПАЙДОВЕВ олган сурат.

СУРАТДА: операторлар Ақром Деҳқонбоев ва Ҳайрулло Ҳусайнов иш жараёнида.

Мамлакатимиз ва халқимиз тарихи, уларнинг турли даврлардаги илмий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини ўрганишда архивлар муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мустабидлик даврида юртимиздан маданий қимматга эга бўлган минглаб архив ҳужжатлари ва қўлёз-малар четга олиб кетилган-ди. Қувонарлиси, Истиклол шарофати ва Юртбошимиз сайй-ҳаракатлари билан ушбу қимматли дурдоналар Ватани-мизга қайтарилмоқда.

Истиклолдан кейинги давр-да мамлакатимизда барча со-ҳалар каби маънавиятга ҳам кенг эътибор қаратилди. Бун-дай юксак эътибор архив ти-зимини модернизация қилиш жараёнларида ҳам ўз ифода-сини топди. Аввало, соҳани замон талаблари асосида шакллантириш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилди. Шу асосда мавжуд архивлар инвентаризациядан ўтказилди. Мамлакатимизда-ги қатор олий ўқув юртлари-нинг тарих факультетларида архившунослик фани жорий этилди. Бугунги кунда Ўзе-бекистон Миллий университети, Низоимий номдаги Тошкент давлат педагогика универси-тети, Наманган давлат уни-верситети, Тошкент давлат шарқшунослик институти каби билим масканларида мазкур йўналиш бўйича қўллаб ёшла-римиз таҳсил олаётгани фик-римиз тасдиғидир.

Барчамизга аёнки, глобал-лашув жараёни бошқа соҳа-лар қатори архив тизими зим-масига ҳам катта масъулият юкламоқда. Бу эса, ўз навба-тида, архив ҳужжатларини сақлаш, бутлаш, давлат

рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш, экспертизадан ўтказиш, жойларда архив иши ва иш юритишни тартибга солиш механизмларини такомиллаш-тириши тақозо этади.

Илгарилари давлат архив-

АРХИВ ИШИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

лари сонининг қўплиги, бу-ндай устига нодавлат архив-ларнинг ташкил этилиши ва уларда Миллий архив фонди таркибига киритилган ҳужжат-ларнинг ҳам сақланиши фой-даланувчиларга бирмунча ноқу-лайликлар туғ-дирарди. Қола-верса, айрим ҳудудларда архив муассасалари талабга жавоб бермайдиган бинолар-га жойлаштирилган қатор муаммоларни келтириб чиқар-ди. Бундай камчиликлар-ни бартараф этиш мақсадида бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Чўноччи, 2008 йил 26 августда Вазирлар Маҳма-сининг “Ўзбекистон Рес-публикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳаётга жорий этилди. Унга асосан, Миллий архив фонди ҳўжжат-лари сақланиши ва сақлаш

сида”ги Қонуни эса бу бора-да ривожланишнинг замона-вий босқичини бошлаб бер-ди. Шунга асосан, архивлар фаолиятига бир қатор ўзгар-тириш ва қўшимчалар кири-тилди. Хусусан, эндиликда ҳўж-жатлар сақлани-шини таъмин-лаш, ҳисобини олиш, улардан илмий ва амалий мақсадлар-да фойдаланиш учун респуб-лика давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, корхо-налар, муассасалар ва таш-килотларда ҳам идоравий ар-хивлар тузилиши белгиланди. Бу, ўз ўрнида, ҳўжжатларнинг талафотсиз сақланишида айнаи мудоаодир.

Бугунги кунда “Ўзархив” агентлиги тизимида 3 та Мар-қазий давлат архиви, Қора-қалпогистон Республикаси Марқазий давлат архив тизи-мида 10 та ва 12 та вилоят давлат архивининг 75 та фи-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси Жаҳон солиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар ташкил этди. Унда 2005 йил 23 майда Женева шаҳрида қабул қилинган Халқаро тиббий-санитария қоидаларини Ўзбекистонда қўллашнинг ҳуқуқий жиҳатлари масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирликлар, идоралар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

ХАЛҚАРО ТИББЎЙ-САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ

аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимиз-да аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ушбу тизимни жаҳон андозалари даражасига етказиш давлат сиёсатининг устувори йўналиш-ларидан бири сифатида белгиланганини таъ-кидладилар. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилиб, шу асосда олиб борила-ётган ислохотлар ўз самараларини бермоқда.

Солиқни сақлаш тизимини туб-дан ислох қилиш ва ривожлан-тириш, ўта оғир юқумли касал-ликларга барҳам бериш ҳамда уларни камай-тириш борасида қатъий чоралар қўрилиши на-тижасида соғлом турмуш тарзини қарор топ-тиришга эришилди. Чўноччи, оналар ўлими даражаси икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими уч баравар камайдди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўрта-сида эса 75 ёшгача ошди.

— Ўзбекистонда тиббий-санитария қоида-ларига амал қилишнинг намунали механизми ишлаб чиқилган, — дейди семинар иштирок-чиси, Жаҳон солиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий бюроси вакили Томас Хоф-ман. — Мамлакатингизнинг қишлоғу шаҳрла-рида тиббиёт мутахассислари томонидан тиб-бий-профилактика тадбирлари, аҳолини дис-пансер қўригидан ўтказиш каби зарур ишлар ўз вақтида сифатли амалга ошириб келина-ётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўз навбати-да, бу юқумли касалликлар ва favқулолда эпи-демиологик ҳолатлар келиб чиқилининг ол-дини олишда асосий омил бўлаётганлигини айтиш жоиз.

Дарҳақиқат, тадбирда таъкидлаб ўтилгани-дек, юртимизда ўтган йиллар давомида 80 дан ортиқ санитария меъёр ва қоидалари ишлаб чиқилди. Уларда аҳолини юқумли хасталиқлар-дан муҳофазалаш, ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланшининг олдини олиш, шунингдек, маийш чикиндиларни йиғиш, са-ралаш, зарарсизлантириш ва йўқотиш тарти-би белгилаб берилган. Мўҳими, халқаро тиббий-санитария қоидаларини инобатга олган ҳолда яратилган мазкур меъёрий ҳўжжатлар санитария-эпидемиология шароитларини таъминлашда қўл келмоқда.

— Халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий этишдан мақсад хавфли касалликлар-нинг кенг микёсда тарқалиб кетишига йўл қўймаслиқ ва уларга қарши курашиш учун за-рур чоралар кўришдан иборатдир, — дейди қўмита аъзоси О. Усаров. — Шу билан бирга, ушбу чоралар аҳолига, халқаро йўловчи ва юк ташувлари ҳамда савдо-сотик жараёнларига халал бермаслиги лозим.

Семинарда ушбу халқаро ҳуқуқий меъёр-ларнинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам атроф-лича маълумот берилди. Шунингдек, мазкур қоидаларнинг солиқни сақлаш ва санитария соҳаларига оид қонунчиликни такомиллашти-ришдаги аҳамияти муҳокама қилинди, бу борадаги концептуал ёндашувларни аниқлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган мавзу юзаси-дан тегишли тақлиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди.

Санджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА, ЮРТ АРДОҒИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ва қўшиб қўяди: “Мендек пиру бадавлат бўлинлар, болаларим”. Ҳаял ўтмай, осто-на ҳатлаб “Нуроний” жам-гармаси туман бўлими раи-си Бақо Турсунов кириб келади.

— Туманимизда Тўрақул отага ўхшаган Иккинчи жа-ҳон уруши қатнашчиларидан 21 нафари яшайди, — дей-ди у салом-алиқдан сўнг. — Уларнинг ҳар бирига жой-лардаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда поликлиника шифокорлари бирикти-рилган. “Қамолот”чилар ҳам улар ҳолидан мунтазам ха-бар олиб туришади. Ҳозир давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қат-нашчиларини рағбатланти-риш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш сайй-

ҳаракатидамиз. Бундан таш-қари, жамгармамиз уруш қатнашчиларининг ҳар бири-ни моддий қўллаб-қувват-ламоқда.

— Юртбошимизнинг бу Фармонидан бошим кўкка етди, — дейди Тўрақул ота. — Бу эътибор, ғамхўрликдан ўн йилга яшаргандек бўлдим. Шу кўнларга етказ-ганига беадад шукр. Уруш-ни ўйласан, ҳалигача юра-гим зирқирайди.

Отахон ўйга толади. Ниҳоят, аччиқ хотираларни четга суриб дейди:

— Бу сўлим ҳовли — ме-нинг қадрдон гўшам. У она-Ватаннинг бир парча-си. Ватан эса мўқаддас. Бу гўзал юртни асрайлик, тинч-ликнинг қадрига етайлик. Президентимиз элимиз бахтига омон бўлсинлар!

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорнинг тадбири

Янгиариқ туманининг Гулбод қишлоғида тадбиркор Мўхтор Каримов ташаббуси билан ҳўжалик совуни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этилди.

Ибрат

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланил-ди. Айни пайтда замонавий техноложиялар билан жиҳоз-ланган корхонада ойига ўртача 15 миллион сўмлик ҳўжалик совуни тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

Умуман, ўтган йили Янгиариқ туманида ана шундай корхоналар томонидан 23 миллиард 828 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Маълумки, шу кўнлар-да мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзуйда оийик ўтказилмоқда. “Буюк ва мўқаддассан, мустақил Ватан!” шioriи остида ўтаётган мазкур оийик давомида бутун республика бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқот-лар, танловлар ҳамда анжуманлар ташкил этилмоқда.

Чўноччи, Адлия ва-зирлиги ташаббуси билан республикада-ги ҳуқуқ соҳасига их-тисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида “Ҳуқуқ би-лимдонлари” респуб-лика қувноқлар ва зукколар беллашуви ўтказилди.

Мамлакатимиздаги лицей ҳамда коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқ маданиятини янада юксалтириш, Конституция бўйича билимларини мустаҳ-камлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қоби-лияти ва нуқта ма-даниятини ўстиришда мазкур танловнинг аҳамияти кеёбис. Са-ралаш босқичи фев-раль — март ойлари-да бўлиб ўтган танловнинг финал босқичи Наманган шаҳрида бўлиб ўтди.

Унда Наманган, Андижон, Бухоро, Навоий, Қашқадарь, Хоразм, Сирдарё ви-лоятлари ҳамда Тош-кент шаҳри жамоала-ри ўзаро куч синашди. Бел-лашувда иштирокчилар жа-миятда ҳуқуқий маданияти янада юксалтиришга қар-тилган бадийи чиқишлари намойиш этишди, савол-ларга жавоб беришди. Ай-ниқда, ўқувчиларнинг мам-лакатимиз суд-ҳуқуқ ти-зим-ида амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан, жум-ладан, Президентимизнинг ўтган йилнинг ноябрь ойи-да ўтказилган Олий Махлсис палаталари қўшма махлси-даги “Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни яна-да қўқурлаштириш ва фука-ролик ҳамятиятини ривожлан-тириш концепцияси” мавзу-дан вазифалардан яхши хабардорлиги барчада катта таассурот қолдирди.

Беллашув натижаларига кўра, Наманган ҳамда Қаш-қадарь вилоятлари жамоа-лари олий ўринга, Бухоро ва Навоий вилоятлари жа-моалари биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринга Андижон ва Хоразм вилоятлари, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳри жамоа-си лойиқ, деб топилди.

Ғолибларга Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати фо-руми” жамгармасининг дип-ломлари ҳамда қимматбаҳо совгалари топширилди.

Н. ҚУДРАТОВ.

Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият

Яхши хабарлар

Қибрай туманининг "Ялангоҳ" даҳасида замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Кўркам ва шинам

Тадбиркор Қобилжон Шукуровнинг банкдан олган 180 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган ушбу мажмуада 400 ўринли маросимлар уйи, майиш ва савдо хизмати кўрсатиш шохбачалари бор.

"Мустақим ота" деб номланган мажмуада 10 нафар қибрайлик йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Корхона имкониятлари кенгаймоқда

Зангиота туманидаги фармацевтика ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Дентафил плюс" корхонаси ўз фаолиятини саккиз турдаги дори-дармон тайёрлаш билан бошлаган эди.

Тадбиркор Комилжон Қосимовнинг саяё-ҳаракати билан корхонага замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатилган, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати ортди. Бунда банкдан олинган 1,5 миллион АҚШ долларлик кредит асосиди. Эндиликда корхонада тайёрланаётган 80 турдаги дори-дармон ва косметика маҳсулотларининг бир қисми экспортга чиқарилаётди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

Дастурхон фэйзи

Қизилтепа туманининг "Вангози" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги "Адишбобо" фермер хўжалиги қошида сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси фаолият бошлади.

Бунинг учун тадбиркор Элёр Ҳамроев банк кредити ҳамда ўз маблағи ҳисобидан 400 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирди. Натижада мазкур "Сўғдиёна агро индустрия" корхонасида табиий сўтдан етти турдаги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди.

Ун тўртта иш ўрни яратилган корхонада қисқа муддатда 56 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Амударё туманида ҳам 60 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шахардан қолишмайдиган даражада қиёфа касб этаётган туман қишлоқларида муҳандислик тармоқлари ва коммуналхизматлари ҳам тортилапти.

— Мен янги ва шинам уйга кўчиб келдим, — дейди меҳнат фахрийси Ўрозбой Тожибоев мамнуният билан. — Эсимда, бу жойлар бир

Хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида туманда Англиянинг "Welroy Technology LLP" компанияси билан биргаликда "Amudaryotex" корхонаси ташкил қилинди. Инвесторлар томонидан мазкур корхонада дастлаб калава, кейинги босқичда тайёр ип-газлама ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун лойиҳа қиймати 29 миллион АҚШ долларига тенг ишлар амалга оширилиши белгиланган.

